O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 15 ноябрь, №233 (3345) Шанба



Олий Мажлисда

*Кеча Олий Мажлисда «Парламент қўмиталарининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Алоқалар мустаҳкамланади

Парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Европа Иттифоқи Комиссияси ЕвропаЭйд дастурининг «Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси иштирокида ташкил этган тадбирда Олий Мажлис депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, мамлакат олий ўқув юртларининг магистрантлари, жамоат бирлашмалари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, Германия, Франция ва Буюк Британиядан келган европалик экспертлар иштирок этишди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ўз сўзида парламент қўмиталарининг жамоат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига тўхталди.

Евпоралик эксперт Фабъенн Азиани хоним давра суҳбати иштирокчиларига нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг парламент институтлари билан ҳамкорлиги механизмлари ҳақида сўз юритиб, фуқаролик жамияти субъектларининг қонун лойиҳаларини яратишдаги иштироки борасида Европа тажрибаси мисолида муфассал маълумот берди.

Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази директори Ш.Асянов сўзи қонун яратувчилик жараёнидаги ҳамкорлик шакллари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан парламент институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришнинг амалий жиҳатларига бағишланди.

Йиғилганлар муҳокама этилаётган мавзу доирасида қизғин фикр алмашдилар. Очиқ-ошкора ва амалий руҳдаги баҳс ва мунозаралардан сўнг парламент қўмиталарининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

***«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида***



*Қумқўрғондан Бойсунга томон юрсангиз, темир йўл қураётганларни кўрасиз. Беихтиёр уларнинг ҳузурига боргингиз, «Ҳорманг, бор бўлинг» қилгингиз, ҳол-аҳвол сўрагингиз келади.*

*Бир катта янгилик: қарийб 200 километрга чўзиладиган «Тошгузар-Қумқўрғон» темир йўлининг Қумқўрғон қисмида бир километрлик узунликда янги рельс ётқизилди. Улкан қурилишнинг бу дебоча юмушини Қарши ва Денов йўл-машина-бекат (ПМС) қурувчилари амалга оширдилар.*



## «Ишларинг бароридан келсин»

Термиз темир йўл таъмирлаш корхонаси устаси Норпўлат Муроталиев бошлиқ ишчилар рельс ётқизилган участкада ишлашаётган экан.

— Биз рельс йўлни фойдаланишга топширишга тайёрлаймиз, — дейди Муроталиев. — Биз шпал, гайка, мурват санаймиз. Ахир, поезд чопиб-чопқиллаб юргани учун рельс кафтдек текис бўлмоғи лозим. Янги йилга қадар йигирма икки километрга янги рельс ётқизилади. Биз қурувчилар Қумқўрғондан Тангимуш бекатига қадар поездда янги йил сайлини уюштирмоғимиз мумкин. Ана ўшанда чиқиб кетар бор чарчоқларимиз.

Муроталиев вақтни қизғаниб, суҳбатимизга кўп ҳам эътибор бермаган ишчиларни бизга таништира бошлади: Равшанов Рустам, Қурбонов Мирсаид, Маманазаров Тўра, Шопўлатов Аннамурод... Улардан бирининг қўлида оғир керки, яна бировида йирик мурват бурагич, текис-нотекисликни кўрсатувчи қолип. Шпал тагидаги ҳар бир тошнинг ҳолатини қараш шарт. Шайба, больт йўқолиб қолмаслиги керак. Ахир, жўн иш бўлаётгани йўқ — темир йўл қуриляпти!

Нарироқда бўлса Деновдаги Янгиобод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси жамоаси тупроқ ишларини бажараяпти: учта экскаватор, бульдозерлар, тупроқни қотирадиган гардитлар, юк машиналари. Тупроқ таркиби, зичлигини бир қарашда илғашга ўрганиб қолган ишчилар.

— Муаммоларимиз кўп, — дейди участка бошлиғи Қодирали Назаров. — Лекин қараб ўтиришга вақт йўқ. Ишлар тиғиз. Яна, шошилмасдан, етти ўлчаб бир кесиб бажарадиган ишлар. Уддалаймиз, уддалаяпмиз.

Яна бир гап: Йўлни қурмоқ учун тупроқ ва тош-шағал ишларини бажариш кифоя эмас. Йўлнинг тўртдан уч қисми баланд тоғу тошлардан, чуқур жар-даралардан ўтади. 150 атрофида кўприк, бошқа турдаги мураккаб иншоотлар қурилади. Демак, қовурғалари қийшаймайдиган, лозим бўлса қояларни суяб турадиган, намга, тузга, иссиқ-совуққа бардошли темир-бетон конструкциялари керак.

Бундай ашёлар — галереялар, пойдеворлар, пошинлар, блоклар, тўсиқлар, оғирлик, тезликдан дарз кетмайдиган бошқа қурилмалар Қумқўрғоннинг ўзида — «Сурхон» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланмоқда.

— Темир йўл қурилишига асқатадиган ашёларнинг қолипларини биз аввалдан тайёрлаб қўйган эдик, — дейди жамият раиси Қорахон Турсунов. — Технологик имкониятларимиз, қувватимиз, одамларимизнинг малакаси — ҳаммаси жам бўлиб, тендер савдосида ғолиб келдик. Ҳозирга қадар темир йўл қурилиши учун 700 миллион сўмлик темир-бетон ашёларини етказиб бердик. Уларни объектларга ташиб бериш ҳам зиммамизда.

Сўнгги сўз ўрнида яна қуйидаги гапларни маълум қиламиз: катта қурилишнинг Қумқўрғон-Бойсун қисмида йил бошидан буён бир ярим миллиард сўмликдан зиёд ишлар бажарилди. 40 тага яқин кўприк қуриб битказилди. Қурилиш узлуксиз давом этмоғи учун бор имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Ишнинг бошида тунаб, бир пиёла чойини ҳам ишнинг бошида ичиб олаётганларга яна бир бор: «Ҳорманг. Ишларингиз бароридан келсин», деймиз.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: темир йўл қурилиши авжида.**

**Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Тил тараққиёт белгиси

*Кеча Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб Олий Мажлиснинг бўлажак XIII сессияси кун тартибидан ўрин олган масалалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси, шунингдек, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси хусусидаги масала муҳокама қилинди.*

Биринчи масала юзасидан Молия вазирининг ўринбосари Муҳаммаджон Абдураҳмонов, Олий Мажлиснинг Банк ва бюджет масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Раҳмонқул Каримов депутатлар ва йиғилиш иштирокчиларига батафсил маълумот бердилар.

Бўлажак сессия кун тартибидаги масалалар депутатлар томонидан маъқулланди. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида қандай ижро этилаётганига бағишланган мулоқот эса қизғин баҳс-мунозараларга, жўяли таклиф-мулоҳазаларга бой бўлди.

Депутатлар ишчи гуруҳининг хулосасига қараганда, вилоятда ушбу Қонунни бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Чунончи, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида, турли идора-ташкилотларда, корхона ва муассасаларда иш юритиш давлат тилида олиб борилмоқда. Мажлислар, тантаналар, илмий-амалий анжуманлар, кўплаб тадбирлар ўзбекча ўтказилмоқда. Айни чоғда, вилоятда яшовчи ўзга миллат ва элатлар тилларига ҳам ҳурмат билан қаралмоқда. Қонуннинг аҳамияти ва моҳиятини аҳоли онгига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг хизматлари катта бўлмоқда. Бироқ, “Ҳар тўкисда бир айб” деганларидек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари қошида “Давлат тили ҳақида”ги Қонунни амалга ошириш мақсадида тузилган комиссиялар фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Сабаби — мазкур жабҳада қабул қилинган қарорларнинг ўзида ҳам имловий хатолар мавжуд. Маълумотномалар саёз ёзилгани, аниқ тавсиялар камлиги яққол сезилиб туради. Боз устига, Термиз шаҳар, Денов, Узун, Жарқўрғон ва Ангор туманлари ҳокимликларида Қонунни амалга ошириш давлат дастурини бажаришга дахлдор истиқболли режалар белгиланмаган. Аксарият ҳолларда вилоят ҳокимлиги ишлаб чиққан дастур матни ўзгартирилмаган, туман ва шаҳарлардаги ўзига хос хусусиятлар кўзда тутилмаган ҳамда бирон-бир аниқлик киритилмаган ҳолда тўғридан-тўғри кўчириб олинган.

Вилоятда мактаб ўқувчиларини ўқув китоблари, айниқса, давлат тилини ўрганишга оид дарсликлар билан таъминлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Ана шу каби камчиликлар туфайли вилоят мактабларини битириб, олий ўқув юртларига кириш учун тест синовлари топширган қишлоқ ёшлари ўртача 83,81 балл, шаҳарлик йигит-қизлар 86,84 балл тўплаган бўлсалар, ўзбек филологияси ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фанидан билимларини синаб кўрганлар 65,30-65,76 балл олганлар, холос. Худди шунингдек, вилоят босмахоналарида чоп этилаётган матбаа маҳсулотларининг аксарияти собиқ шўролар замонидан қолган бўлиб, улардаги ёзувлар русча битилгани, баъзи ташкилотларнинг муҳрлари ва иш қоғозларидаги номлари расмий номланишига мос келмаслиги, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, ташкилот, корхона ва муассасалардаги ёзув машиналари ва компьютерларга ўзбек тили хусусиятига хос белгилар киритилмагани, ўзбек тилидаги махсус компьютер дастурлари олинмагани ҳам кишини ҳақли равишда ташвишга солади. Муҳокамаларда сўзга чиққанлар бу ҳақда алоҳида уқтириб ўтдилар.

Қўмита йиғилишида юқоридагига ўхшаш хато-камчиликларни тугатиш бўйича вилоят ҳокимлиги, тегишли вазирлик ва мутасадди ташкилотларга тавсиялар берилиб, кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Тадбиркорлик лойиҳадан бошланади

Демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятимизда жамоат ташкилотларининг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ) ҳисобланган бундай муассасаларнинг жамиятда юзага келаётган муаммоларга жамоатчилик фикрини қаратиш, фуқароларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш борасидаги хизматлари, айниқса, эътиборли.

Пойтахтимизда икки йилдан буён фаолият кўрсатаётган Логос жамоат ташкилоти Америка Қўшма Штатларининг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда Евроосиё жамғармаси қўллаб-қувватлаган лойиҳа асосида мамлакатимиздаги ННТларнинг молиявий қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиб келмоқда. Кеча мазкур ташкилот Миллий матбуот марказида «ННТ ва тадбиркорлик» мавзусида уюштирган анжуман ҳам худди шу масалага бағишланди. Нодавлат, нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар иштирок этган анжуманда тақдим этилаётган лойиҳаларнинг аҳамияти, унда қамраб олинган масала-муаммолар хусусида фикр-мулоҳазалар айтилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Бош мезон — инсон ҳуқуқлари ҳимояси

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Соҳада кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда мавжудлари такомиллаштирилмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликнинг либераллаштирилиши, судларнинг ихтисослаштирилиши, апелляция суди инстанцияси, ярашув ва бошқа қатор демократик ҳуқуқий институтлар ҳамда мустаҳкам ижро механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назоратининг ўрни ва моҳияти: назария ва амалиёт” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳмадов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов, Тошкент давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев, Ички ишлар вазирлиги тергов Бош бошқармаси бошлиғи А.Шарафиддинов ва бошқалар инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатга садоқат ўз ифодасини топган қонунларимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, бугунги кунда прокуратура жиноий жавобгарликка тортувчи ёки “қораловчи” органдан фуқаро ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланмоқда.

Янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга кўра, прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлиги оширилди. Қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимояси эндиликда улар фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезонлари сифатида белгиланди.

Анжуманда аҳолининг, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини янги сифат даражасига кўтариш устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Пойтахтимизда



*Бағрикенглик халқимизга хос азалий фазилатлардан биридир. Шу боис юртимизда турли миллат ва элатлар дўст-бhouseholds* 

## Ҳамжиҳатлик таянчи

Кеча Республика Байналмилал марказида Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон Конституцияси ва этник бағрикенглик – жамиятда фуқаролар тотувлигининг кафолати» мавзуидаги анжуманда шу каби долзарб масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Республикамизда 136 миллат вакиллари истиқомат қилаётгани, 130 дан ортиқ миллий-маданий марказ, 16 конфессияга мансуб 2142 та диний ташкилот фаолият кўрсатаётгани эса жамиятимизда бағрикенглик қадриятлари чуқур илдиз отганининг ҳаётий-илмий ифодасидир. Тадбир қатнашчилари масаланинг ушбу томонидан келиб чиққан ҳолда, миллатлараро ва диний бағрикенглик тамойиллари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Бу бежис эмас, албатта. Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда юздан ортиқ миллатларнинг ўзаро маданий, диний алоқалари янада ривож топганини кўриш мумкин. Зеро, бу ҳамкорлик республикамиз халқининг маънавий бойлиги саналади. Миллати, мавқеи, диний эътиқодидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг жамиятмиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида фаол қатнашиб келаётгани ана шу муносабатларнинг меваси дейиш мумкин.

Анжуманда сўзга чиққан маърузачилар халқимизга хос бағрикенгликнинг ҳаётий илдизларини очиб бериш билан бирга миллатлараро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги келгуси вазифалар ҳақида ҳам сўз юритдилар.

Тадбирда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, миллий-маданий марказлар фаоллари иштирок этди.

**Р. ЁРЛАҚАБОВ.**

Жойлардан хабарлар

### Ўзбек ўғлони БМТ ходими

Жиззахлик Шуҳрат Сулаймонов Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг 2-курсида ўқиётган давридаёқ уни Нью Йорк шаҳар университетида таҳсил олишга таклиф этишганди. Ўша ерда ҳам истеъдодини намойиш эта олган Шуҳрат аввал БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида, Колумбия университети магистратурасида таҳсил олаётган пайтида эса БМТ бевосита аппаратида малака оширишга муваффақ бўлди.

Айни пайтда у Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида етакчи мутахассис лавозимида ишлаётган эди. Шуҳратга БМТ Бош котиби Кофе Аннанд имзоси билан қароргоҳнинг Штаб-квартирасида ишлаш учун таклифнома келгани Сулаймоновлар учун кутилмаган қувончли воқеа бўлди.

Жорий ҳафтадан бошлаб Ш.Сулаймонов БМТнинг Венадаги (Австрия) Штаб-квартирасида сиёсий масалалар бўйича масъул ходим лавозимида иш бошлайди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

### Мева шарбати ва йод

— “Greenword” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси Женевада ўтказилган халқаро анжуманда сифат юлдузи билан тақдирланди, — дея хабар беради “Туркистон-пресс” мухбири. — Мева шарбатлари ишлаб чиқариш билан донг таратган корхона илғор технология билан жиҳозланган. Айни пайтда бу ерда мева, сабзавот шарбатларидан ташқари инсон организмини йод билан таъминлайдиган маъданли сув ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Айни пайтда корхона маҳсулотлари Россия, Белорусь, Жанубий Корея, Украина, Англия сингари давлатларга жўнатилмоқда.

### Қишлоқда халқаро сўзлашув маркази

Хонобод Поп туманининг энг чекка тоғли қишлоғи бўлиб, у Тошкентдан водийга ўтиш йўли ёқасига жойлашган. Яқинда бу ерда халқаро сўзлашув маркази иш бошлади. Энди нафақат қишлоқ аҳли, балки Қамчиқ довонидан ўтадиган йўловчилар ҳам ер юзининг исталган жойи билан сўзлашиш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу марказ “Наманган почтаси” ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ва “Телеком ток” ўзбек-турк қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

**Ҳайитбой ЭРГАШЕВ,**
**“Халқ сўзи”нинг жамоатчи мухбири.**

### Шовотда янги газ тақсимлаш станцияси

Гурлан, Шовот, Қўшкўпир туманлари аҳолиси қиш мавсумида газ етишмаслигидан қийналиб келишарди. Бу йил ушбу муаммо бартараф этилди. Туманда ғоят қисқа муддатда янги газ тақсимлаш станцияси қурилиб ишга туширилди. Бу станция суткасига 7,5 миллион кубометр газ етказиб бериш қувватига эга.

Энди Шовот, Гурлан, Қўшкўпир туманлари аҳолисига етарли миқдорда сифатли газ етказиб берилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## РУСТАМ — КУЧЛИЛАР САФИДА

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ дунёдаги энг кучли шахматчиларнинг навбатдаги рейтинг жадвалини эълон қилди. Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов 2664 очко билан рўйхатнинг 29-поғонасидан жой олган.

**(ЎзА).**

*«Обуна — 2004»*

## «Халқ сўзи» муаллимларга жуда зарур»

*дейди Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Халила Якубоев*

Баркамол авлод орзуси йўлида таълим тизими тубдан ислоҳ этилди, соҳани замон талабларига мос равишда такомиллаштириш изчил давом этмоқда. Буни Навоий вилояти халқ таълими тизими мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳаётга изчил татбиқ этилаётганига ҳар қаламда гувоҳ бўласиз.

375 та мактаб, 196 та мактабгача, 23 та мактабдан ташқари муассасаларда 20 мингдан ортиқ муаллим ва тарбиячилар ёш авлодга фан ва ҳаёт сабоқларини ўргатишаяпти. Ҳар бир дарс кундалик турмушимиз билан боғлангандагина ундан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Хўш, ҳаётий ахборотлар манбаи қайда?

— Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналишига айланган бугунги кунда матбуотнинг ҳаётдаги ўз ўрни, вазифаси ва албатта таъсири шундоқ сезилиб турибди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Халила Якубоев, — «Халқ сўзи»ни ўзимизга яқин дўст ва ҳамроҳ сифатида қадрлайман. Ундан кўп нарсаларни ўрганаман. Иш йўналишим, қолаверса ҳаёт тарзимни белгилаб оламан.

Сиёсат, иқтисодиёт, маънавият бобидаги ўзгаришларни тушуниб етмай, ички ва ташқи сиёсатни англамай туриб таълим-тарбия ҳақида сўз юритиш мумкинми, ахир. Ўз маҳорати ҳақида қайғурмаган муаллим муаллим эмас. Шу нуқтаи назардан ҳам матбуот, айниқса, муаллимларга жуда зарур. Мактаб кутубхоналарини матбуотсиз тасаввур этинг-чи?

Тўғри, нашрларнинг нархи юқори. Бозор шароитида бунга бирор нима дейиш қийин. Имкон топиб қанчалик кўп нашрларга обуна бўлганлар ҳар томонлама ютади. Шу мақсадда ҳар бир таълим даргоҳига кундалик матбуотни, жумладан «Халқ сўзи»нинг албатта, кириб боришига эришамиз. Ҳозиргача вилоят халқ таълими тизими бўйича 400дан ортиқ обуна тўпланди. Фақат бюджет маблағларига қараб турганимиз йўқ. Имкон қадар обуна сонини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. «Халқ сўзи» обунаси 500 дан ошади. Янги йилда ҳам ҳар бир мураббий севимли нашримизни, албатта, ўқийди, дейишга асос бор.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ВОҲА ДУРДОНАСИ



Зарафшон воҳаси узра ажиб хушхабар тарқалди. Бу хушхабар, табиийки, пахтакорлар, ҳашарчилар, раҳбару мутахассислар — ҳамма-ҳамманинг қалбига қувонч бахш этди. Айни шу туйғу туфайли улар кўкламнинг инжиқ табиати, ёзнинг жазирамали дамлари, кузнинг ёқимсиз ёмғирли кунларидаги машаққатларни, бир зум бўласа-да, унутдилар.

Ҳа, бугун самарқандлик пахтакорларнинг орзиқиб кутган онлари етиб келди. Пудратчию фермер, теримчию ҳашарчи қанчалик қувонса, ўз меҳнати натижасидан ғурурланса, шунчалик арзийди энди. Негаки, улар ўз сўзларининг устидан чиқишди. Зиммаларидаги вазифани шараф билан бажариб, ишни дўндириб қўйишди.

Қиссадан ҳисса шуки, вилоят пахтакорлари давлат қабул пунктларига 235 минг тоннадан ортиқ сифатли саноат хомашёси етказиб бериб, йиллик шартномавий режани уддаладилар. Жами ҳосилнинг салкам 80 фоизи юқори навларга сотилди. Ҳар гектар майдондан ўртача 24 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Ана шу ютуқнинг омиллари нималардан иборат? Эътироф этиш керак, кейинги икки йилда Самарқандда деҳқончиликка, хусусан, пахтачиликка бўлган муносабат кескин ўзгарди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида дадил қадамлар ташланди. Илғор тижрибаларнинг амалда қўлланиши, пудрат усулида иш юритилиши, фермерларга кенг йўл очилиши ҳам муваффақиятлар омили бўлди.

Лекин, гапнинг очиғи, мўлжалдаги юксак хирмонни яратиш осон кечмади. Хусусан, чигит экиш мавсумидаги машаққатлар деҳқонни мушкул ҳолга солиб қўйди. Ҳар куни у кўкка тикилиб, булутлар орасидан қуёш чиқишини кутди. Аммо аксига олгандек, кўкдан челаклаб ёмғир қуяверди.

Бундай қийинчиликлар, табиат инжиқликлари туфайли вилоятда чигит экиш ўтган йилдагига нисбатан анча кечикди. Оқибатда аксарият майдонларда йиғим-терим ҳам 15-20 кун кеч бошланди. Бироқ деҳқонлар бўш келмадилар: бор тажриба ва букилмас иродаларини табиат қийинчиликларига қарши қўйиб, мавжуд майдонларда бир текис кўчат ўстиришнинг уддасидан чиқишди. Бутун ёз мобайнида эса ғўза парваришига жиддий эътибор қаратилди. Барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди. Сувдан, ўғитдан тежамкорлик ва омилкорлик билан фойдаланилди. Айниқса, далаларга кўплаб миқдорда маҳаллий ўғит чиқарилгани ғўзанинг дуркун ўсишига, мўл ҳосил тўплашига қулай шароит яратди.

— 2003 йилда Самарқанд вилоятида чигитни экишдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар бажариладиган ишлар учун Молия вазирлиги қошидаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан 28 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, — дейди «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Бадриддин Насриев. — Бу маблағнинг 6 миллиард сўми минерал ўғитлар, зараркунандаларга қарши кимёвий дориларни харид қилишга сарфланди. Ёнилғи-мойлаш материаллари ва «Агромашсервис» корхоналари хизмати учун 8 миллиард сўм ўтказиб берилди. Шунингдек, электр қуввати таъминоти учун 1 миллиард сўмдан ортиқ харажат қилинди.

Дарвоқе, пахтакорлар чигит экишда ҳам, ғўзани парваришлаш даврида ҳам маблағ масаласида қийналиб қолишгани йўқ. Кўкламда уруғликнинг ўзига банк томонидан 3 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, ғўза парвариши учун деҳқонларга 2 миллиард сўмдан ортиқ иш ҳақи тарқатилди. Пахта пишганда эса теримчиларга нақд 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ берилди.

Бундан ташқари, вилоят хўжаликлари банк кредитлари ҳисобига 100 тадан кўпроқ чопиқ тракторлари ва бошқа техника воситаларини сотиб олишди.

«Пахтабанк»нинг Оқдарё тумани бўлими бошқарувчиси Шовҳиддин Тиркашевнинг айтишича, деҳқонларга биргина октябрь ойининг ўзида 534 миллион сўм нақд пул тарқатилибди. Шу тумандаги Бобур номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Улашбой Муродов эса йиғим-терим давридаги муваффақиятлар сабабини теримчиларга ўз вақтида иш ҳақи бериб борилгани билан изоҳлайди.

Ютуқлар сири фақат шулардан иборат эмас. Мутахассислар, аввало, чигит экиладиган ер бонитетини ўлчаб чиқадилар. Ер ҳайдалгунга қадар зарур миқдордаги маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўйинтирилади. Шудгорлашдан кейин эса ер обдон текисланиб, пушта олинади, уруғ айни шу пуштага қадалади. Ғўза вегетацияси даврида суғориш фақат «шарбат» усулида ўтказилади. Ушбу тадбирлар ҳамиша диққат марказда турди.

Йиғим-теримни бошлашга эса, худди ўтган йилдагидек, деҳқонлар шошилмадилар. Сентябрнинг сўнгги кунларида, айрим жойларда эса октябрнинг бошида бу юмушга киришилди. Сабаби — вилоят ҳокимлиги томонидан олға сурилган «Самарқанд услуби» ҳосилнинг етилиши ва тўлиқ очилишини кутишни тақозо қиларди.



Бу услубни қўллашдан мақсад пахта ҳосилини тоза териш, унинг юқори навга топширилишини таъминлаш, пировардида даромад миқдорини ошириш эди. Шу боис мавсум давомида теримчиларнинг дуч келган жойда теримга тушишларига йўл қўйилмади. Оқсоқоллардан иборат назоратчилар фақат терим сифати ва суръатинигина эмас, балки мавсум иштирокчиларига қай даражада шароит яратилганини ҳам жиддий назорат қилиб бордилар.

— «Самарқанд услуби»нинг самараси яққол сезилди, — дейди Жомбой туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Барот Нодиров. — Хўжалигимизда режадаги 930 тонна ўрнига 1100 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тайёрланиб, ҳосилдорлик 28 центнердан оширилгани ҳам мазкур услуб натижасидир. Жўрабой Қаршиев, Эрмамат Умаров, Илҳом Пирмаматов каби бош пудратчиларимиз ҳар гектар ердан 32 центнерга етказиб хирмон уйганларининг сир-синоати ҳам шу. 571 тонна пахтамизни уруғлик учун сотганимизни айтсам, даромадимиз янада ошишига шубҳа йўқ.

Ҳақиқатан ҳам, бу йил Жомбойда ҳосил мўл бўлди. Туманда йиллик пахта тайёрлаш режаси аллақачон бажарилган бўлса-да, кунлик ўсишда улар ҳамон пешқадам.

Пастдарғомликлар ҳам жорий йилда илғорлар сафида боришмоқда. Пахтачи, Оқдарё, Пайариқ туманлари пахтакорларининг шижоати ҳам мақтовга арзигулик.

Пайариқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида мавжуд 1700 гектар экин майдони тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилган эди. Қарангки, 58 та фермер хўжалигида октябрь ойидаёқ мўлжалдагидан ортиқ ҳосил саранжомланди. Улар 1704 тонна ўрнига 1900 тоннага яқин сифатли саноат хомашёси топширдилар. «Малик ота», «Сойимжон», «Шифокор» фермер хўжаликларида эса ҳозиргача режа 150 фоиз уддаланди.



Яна бир гап. Далада ишлаётганларга бутун йил мобайнида маданий-маиший, савдо хизмати йўлга қўйилди. Йиғим-терим мавсумида эса вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги маданий-маърифий хизмат кўрсатиш гуруҳи дала-дала кезди.

Айни кунларда Самарқанд далаларида йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Режа бажарилган бўлса-да, ҳали далаларда ҳосил мўл. Руҳи тетик, кайфияти баланд пахтакорлар чаноқлардаги лўппи-лўппи пахтанинг сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш ниятида суръатни бўшаштирмаяптилар.

Бу ҳаракат минглаб, миллионлаб чаноқлардаги «оқ олтин»нинг махтал бўлишига йўл қўймайди. Бу ҳаракат оппоқ пахтани чаноқлардан толмас қўлларга, сўнг этакларга, ниҳоят, хирмонларга элтади. Ана шу ҳаракат охир-оқибатда Зарафшон воҳаси дурдонасини оламга кўз-кўз қилажак!

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: пахтакорлар ҳаётидан лавҳалар.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

---

*Хабарлар оқимидан*

## Раиснинг ҳиммати

**Яккабоғ туманидаги Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Салим Абдуҳалимов ўз ҳисобидан оталар чойхонаси қурди. Ҳозирда чойхона аҳолига хизмат кўрсатмоқда.**

**Зарафшонлик тадбиркор Фазлиддин Қосимов эса, ўз ҳисобидан "Тинчлик" маҳалласида гузар қурди. Унинг таркибида чойхона, ошхона, новвойхона ва турли маиший хизмат шохобчалари мавжуд. Эътиборли томони шундаки, маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти учун ҳам алоҳида жой ажратилган.**

## Меҳнатдан келса бойлик...

**Олтинкўл туманидаги "Оқтепа" ширкат хўжалиги бу йил қишлоқ хўжалигидан олинган даромаднинг бир қисмини шу ердаги 24-мактабни жорий таъмирлаш, шунингдек, Янгичек, Катта Оқтепа қишлоқларини газлаштиришга сарфламоқда. Айни пайтда Янгичекка газ қувури тортиб келинди. Хўжалик мактаб таъмири учун 3 миллион сўм сарфлаган бўлса, газ қувурлари тортиш ишига эса 10 миллион сўм маблағ ажратди.**

**— Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, мақоли хўжалигимизда ўз исботини топаяпти, — дейишади оқтепаликлар.**

**Ўз мухбиримиз.**

---

*Халқ депутатлари кенгашларида*

# «МЕН ДЕПУТАТМАН...»

**деб ғурурланиш ҳам, фахрланиш ҳам мумкин. Аммо депутатлик масъулиятини ҳис қилиш ундан ҳам муҳим. Бироқ уни ким қандай тушунади ва амал қилади?**

— Айтайлик бирор депутат, масалан, 7-Баҳористон сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгашига сайланган Бекмурод Мамедов Миришкорнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қандай ҳисса қўшаяпти, — сўраймиз туман ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳи раҳбари, ҳоким ўринбосари Камол Янгибоевдан. У бу саволимизни жавобсиз қолдирди.

— Ҳеч бўлмаса сўров ёки таклиф, ташаббус билан чиқмаганми?

— Йўқ, — жавобни қисқа қилади у.

— Умуман, депутатларимиз, узр, айрим депутатларимиз «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг моҳиятини тўла англаб етишадими, — яна саволга тутамиз уни.

У эса гап-сўзсиз қўлимизга қуйидаги хатни тутқазди. Унга кўз югуртириб, мана бу сатрларни ўқийсиз: *«Халқ депутатлари Миришкор туман кенгашининг «Ижтимоий-маданий ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари доимий комиссияси раиси Б. Мамедовга. Комисия котиби Х. Бердиёровга:*

*«Халқ депутатлари туман кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисида»ги Низомининг 1-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, вилоят доирасида назорат ўрнатиш мақсадида депутатлар орасидан (доимий комиссиялар) тузилади.*

*Ушбу ишларни амалга ошириш учун Низомнинг 15-моддасига кўра, доимий комиссиянинг ўз иш режаси ва тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиши зарур. Сиз раҳбарлик қилаётган халқ депутатлари туман кенгаши доимий комиссияси ўз иш режаси ва тадбирларини ишлаб чиқмаган, бу билан Сизнинг комиссиянгиз халқ депутатлари туман кенгаши билан ўз алоқаларини узиб қўймоқда.*

*Йўл қўйилаётган камчиликларни бир ҳафта муддат ичида бартараф этишингизни тавсия этамиз. Акс ҳолда депутатлик ваколатларингиз муддатидан олдин тўхтатилади ва халқ депутатлари туман, вилоят кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритилади.*

*Туман ҳокимининг ўринбосари К. ЯНГИБОЕВ».*

Англашилаяптики, халқ депутатлари Миришкор туман кенгашининг «Ижтимоий-маданий ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари доимий комиссияси фаолият кўрсатмаяпти. Доимий комиссия раиси ўз вазифасини адо этмаяпти. Нега? Нима учун?

Савол саволларни келтириб чиқараверади. Туман ҳокимининг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳи раҳбари, ҳоким ўринбосари жаноб К. Янгибоев, «Акс ҳолда депутатлик ваколатларингиз муддатидан олдин тўхтатилади», деб огоҳлантиришга ҳақлими? Бу масала туман кенгаши сессияси муҳокамасига киритилиши тушунарли. Нима учун «Вилоят кенгаши сессиясига муҳокамасига киритилади?» Бу эса тушунарсиз.

Бу масаланинг бир томони. Асосийси эса, депутатнинг ўз вазифаси нимадан иборатлигини, сайловчилар уни нима учун депутатликка сайлаганликларини, уларнинг ишончини оқлаш учун ўзи нималар қилиши зарурлигини англаб етишида.

— Мен бундай хатни олганим йўқ. К. Янгибоев нима учун бундай хат ёзган? Ҳайронман, — деди Бекмурод Мамедов. — Ва, қуйидаги иш режасини қўлимизда тутқазди. Уни айнан келтирамиз:

*«Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Миришкор туман кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2003 йил 2-ярим йиллик иш режаси.*

*1. Тумандаги мактаб, лицей ва болалар боғчаларида осойишталикни таъминлаш, огоҳликка даъват этувчи йиғилиш ва учрашувлар ташкил қилиш, уларга тажрибали ҳуқуқшунослар, имом-хатиблар ва кекса авлод вакилларини таклиф қилиш.*

*Масъул: Комиссия аъзолари.*

*2. «Обод маҳалла йили» соғлом авлодни аҳолининг барча қатламларида, айниқса ёшлар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.*

*Масъул: комиссия аъзолари.*

*Доимий амалга ошириладиган ишлар*

*1. Тумандаги кам таъминланган, кам даромадли оилалар, ногиронлар, чин етимлар ҳолидан доимий равишда хабар олиш:*

*2. Мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, аҳоли пунктлари, меҳнат жамоаларида учрашувлар ўтказиш.*

*3. Туман СЭС, коммунал фойдаланиш бошқармаси раҳбарларининг атроф-муҳит тозалиги борасида олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоботи.*

*Масъул: У. Норқулов, Х. Тўхтамуродов ва комиссия аъзолари».*

Иш режасининг хом-хатала, пала-партиш, номигагина тузилганлигини билиб олинг, деган мақсадда матнни тўлиқ келтирдик. Наҳотки, тумандаги мактаб, лицей ва болалар боғчаларида нотинчлик кузатилган бўлса? «Обод маҳалла йили» соғлом авлодни аҳолининг барча қатламларида, айниқса, ёшлар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш» деган жумлада маъно борми ўзи? «Соғлом авлодни» ... кенг тушунтириш» деганда нимани тушуниш керак? Иш режаси шу қадар мавҳум доимий комиссиянинг олиб борган тушунтиришлари қандай бўлганлиги шундан ҳам маълум. Қани тумандаги ижтимоий аҳамиятга молик долзарб масалалар? Агар иш режаси комиссия аъзолари иштирокида тузилганида Кенгаш муҳокамасига киритилиши лозим бўлган йирик масалаларни ўрганиш режалаштирилмасмиди? Ҳокимиятнинг муҳокамасига тайёрланадиган масалалар назарда тутилмасмиди? Ўз мажлисларида муҳокама қилиниши керак бўлган назорат-таҳлил йўналишидаги масалалар акс этмасмиди? Ахир «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонунда депутатнинг ўзи сайланган доимий комиссиянинг ишида фаол иштирок этиши шартлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган-ку.

Авваламбор, доимий комиссиялар нима учун тузилади ва уларнинг ваколатлари нимадан иборат? Бу саволга Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасидан жавоб топамиз: *«Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш мақсадида халқ депутатлари кенгаши ўз ваколати муддатига доимий ва муваққат комиссиялар тузади».*

Доимий комиссияларга энг ташаббускор, тажрибали депутатлар бошчилик қилиши керак. Раиснинг билими, ташкилотчилик қобилияти албатта, эътиборга олинмоғи лозим. Хўш, унда Бекмурод Мамедов қайси сифатларига кўра доимий комиссия раислигига танланди? Усмон Юсупов ва Баҳористон туманлари негизида Миришкор тумани ташкил этилганлигига ҳам ярим йил бўлди. Наҳотки кимдир сўраб-суриштиргандан кейин «иш режаси» тузилса? Туман ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳи раҳбари, ҳоким ўринбосари К. Янгибоев эса ҳалигидай хат ёзиш билангина вазифамни бажардим, деб хотиржам бўлса? Хўш, туман ҳокими Халил Соатов буни қандай изоҳлайди? Умуман, у халқ депутатлари туман кенгаши ишини қандай ташкил этмоқда? Кенгаш салоҳиятидан қай тарзда фойдаланмоқда? Айтиш керакки, у бу саволга тайёр эмаслигини гапининг бисмиллосидан билдириб қўяқолди. Негаки, у ҳокимиятнинг вакиллик органи нима эканлигини айтолмади. Шунда унга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунни биласиз, (билмайсиз дейиш ноқулай, албатта) уларда, жумладан Конституциянинг 99-моддасида «... ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар», дейилганлигини эслатишга тўғри келди. Бунга жавобан у Аграр ва сув хўжалиги масалалари ва маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияларининг ҳисоботларини эшитганларини, умуман Кенгаш ишини рисоладагидек ташкил қилаётганлигини айтди. Ўз навбатида унинг ўринбосари К. Янгибоев ҳоким айтиб ўтган доимий комиссияларнинг ҳисоботлари юзасидан туман кенгаши қабул қилган қарорни кўрсатди. Назаримда, мазкур қарор матнини тўлиқ келтириш лозимга ўхшайди: *«Аграр ва сув хўжалиги масалалари ва маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияларининг ҳисоботлари тўғрисида.*

*Халқ депутатлари туман кенгаши қарор қилади:*

*1. Халқ депутатлари туман кенгаши аграр ва сув хўжалиги масалалари ва маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияларининг амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.*

*2. Мазкур комиссияларнинг амалга оширган ишлари етарли эмаслиги таъкидлаб ўтилсин.*

*3. Комиссияларга ваколатлари доирасида масалаларни чуқурроқ ўрганиш, кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалаларни туман кенгаши сессияси муҳокамасига киритиши, ишда фаолроқ бўлиши, ташаббус ва таклифлар билан чиқиш, комиссиянинг жойларда ишчанлиги ва таъсирчанлигини ошириш топширилсин.*

*Сессия раиси: Х. ЧОРИЕВ».*

Халқ депутатлари Миришкор туман кенгашининг шу йил 6 июнда қабул қилган ушбу қарорини масалалар обдон ўрганилиб, атрофлича муҳокама қилиниб, пухта ўйланиб қабул қилинган қарор деб бўладими? Ундан қайси депутат, қайси бир доимий комиссия аъзоси ўзига тегишли хулоса чиқариб олади? Афсуски, бу саволларга қониқарли жавоб тополмайсиз.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига кўра, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Шундай экан, сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлари тузилса, депутатларга 7 кун аввал бўлажак сессия тўғрисида хабарнома ва кўриладиган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаси юборилса, масалаларни тайёрлашга имкон қадар кўпроқ депутат жалб қилинса, тегишли таклиф ва мулоҳазалар доимий комиссиялар мажлисларда кўриб чиқилса, юқоридагидек қарор пайдо бўлармиди? Асло.

Хўш, бундай расмиятчилик кимга керак? Наҳотки, қонун талаб қилганидек, иш юритиш мумкин бўлмаса? Мумкин. Бунинг учун, энг аввало, халқ депутатлари туман кенгашига бошчилик қиладиган ҳоким, аввало, ўзининг, қолаверса, кенгашнинг ваколатини билиши, ваколат доирасида иш кўриши ҳам қарз, ҳам фарз. Шунингдек, депутатларнинг ҳам «Сайландим, бўлди», «Мен депутатман», деб писанда қилиши билан ҳам иш битмайди-да. Айрим депутатлар «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинганлиги, у 2004 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилишидан ҳам бехабарга ўхшайдилар. Бу шуни кўрсатадики, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларининг айрим депутатлари депутатлар мақоми тўғрисидаги Қонун моҳиятини тўла англаб етмаганлар. Ҳали ҳануз онгларида эскича қарашлар сақланиб қолган. Шунинг учун улар депутатликни мартаба, керак бўлса, ҳимоя воситаси, деб биладилар. Энди замон ўзгарди, соатингизни тўғрилаб олинг, азизлар.

**Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ОҚСОҚОЛНИ ЭЛ ТАНЛАЙДИ

*Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бундан икки ярим йил аввал ўтказилган сайловда Уйчи туманидаги 57 та маҳалла оқсоқоли 107 номзод ичидан танлаб олинган эди. Туман марказидаги Алишер Навоий номли маҳалла етакчиси Садриддин Холматов ҳам лавозимга муқобиллик асосида ўтганлардан. Маълум бўлдики, маҳалладошлари уни танлаб адашишмаган экан.*

**Ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов давом этмоқда**

— Ҳудудимизга келган кишининг орасталик, тартиб-интизомдан баҳри-дили очилади, — дейди хусусий тадбиркор Ғуломжон Болтабоев. — Ҳовлилар олдидаги гулхоналарни кўринг, барисининг тепасида Садриддиннинг ўзи турган. Ташкилотчилиги зўр, кўпчиликни ёнига олиб, ичимлик суви тармоғини таъмирлашни ҳам уддалади-қўйди.

Салкам беш минг киши истиқомат қилаётган маҳаллада оқсоқолнинг ғайрати-ю, одамларнинг уюшқоқлиги билан кўплаб муаммолар ечимини топяпти. Масалан, мактабни туғаллаб, иш қидириб юрган ёш-яланглларнинг анчасига ҳунар ўргатиб, шу ердаги устахона ва бошқа маиший хизмат шохобчаларида ишлатишмоқда. «Барс» кичик корхонаси қиз-жувонлардан эллик нафарини зардўзлик, чеварчилик билан банд қилиб қўйди.

— Бу галги сайловда яна Садриддиннинг ўзини олиб қоламиз, — дейишади қатъийлик билан маҳалладошлари.

«Шифокор» маҳалласига оқсоқоллик қилаётган Файзулло Халилов ҳақидаги фикрлардан ҳам кўнгил яйрайди. Изланиш, ташаббус кўрсатишдан чарчамайдиган йиғин раисининг интилиши билан «Шифокор» аҳли АҚШнинг Mercu Corps халқаро ташкилоти томонидан маҳалла ташаббусларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасидаги танловда ғолиб чиқиб, каттагина грант олди. Грант маблағлари ҳудудни ободонлаштириш, коммуникация воситаларини жой-жойига қўйишда қўл келиши табиий.

Маҳалла оқсоқоли. Кичиккина бўлса ҳам Ватаннинг бир парчаси ҳисобланмиш ҳудудга бошчилик қиладиган бу лавозим соҳибига қўйилаётган талаб бир олам. Энг аввало, аҳоли ўртасида унинг обрў-эътибори, ҳурмати бўлсин, сўнгра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари олдидаги вазифаларни уддалашга қодир бўлсин. Ҳокимият органлари ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич мазкур йиғинларга олиб берилаётган ҳозирги паллада бу вазифа жудаям осон эмас. Уни зиммасига олган киши билимдон, тажрибали, қатъиятли бўлсагина кўпчиликни эргаштира олади.

Сайловлар орасидаги даврда юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган етакчилар ҳам кўзга ташланиб қолди. Жумладан, Ёркўрғон қишлоғидаги Тошлоқ маҳалласи оқсоқоли Асқаржон Зиётов вақт ўтган сари одамларнинг ишончини йўқота борди. Ўз қобиғига ўралашиб, жамоатчиликни менсимай қўйгани, кўполлиги учун шундай бўлди. Кўпчиликнинг талаби билан унинг ўрнига Одилжон Эгамовни сайлашди. Шундай ҳол Ғайрат қишлоғидаги Олмурут маҳалласида ҳам рўй берди. Маҳалладагилар Мамасоли Қаҳҳоровнинг ваъдаларига ишониб, адашишганини кейин билиб қолдилар. У кўпчилик билан ишлаш, одамларни ўз ортидан эргаштиришга қобилиятсиз чиқди.

— Оқсоқолларнинг бўлажак сайловларига ҳозирликни бошлаб юбордик, — дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Абдумутал Нажмиддинов. — Номзодлар танлашда биринчи навбатда сайловчиларнинг фикрига эътибор қаратяпмиз. Шу мақсадда туман ҳокимлигида «Ишонч» телефонлари ташкил қилдик. Бундан ташқари жойларда сайловолди рўйхатга олиш, вакиллар сайлаш ишлари бошлаб юборилди.

Бугун маҳалла катта кучга айланиб, жамиятда ўз ўрнини топиб олган чинакам бошқарув органига айланди. Давр унинг етакчиси ҳам шунга яраша бўлишини тақозо этмоқда. Бир юз етмиш минг аҳоли истиқомат қиладиган Уйчи туманида сайловларни ана шу мезон билан ўтказиш чора-тадбирлари кўрилаётгани энг фаол ва қобилиятли кишилар оқсоқол бўлиб қолишларига кафолат яратади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ИСЛОМ ТИНЧЛИК,

*16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни*

*Дунёдаги барча етакчи динларнинг асл мақсади тинчлик, тотувликка чорлаш экани умумэътироф этилган далилдир. Аммо бугунги кунда террористик ташкилотлар ўз фаолиятларини дин ниқоби остида амалга оширишга уринмоқда.*

*Сўнгги йилларда халқаро доирада "ислом терроризми" деган хато тушунчанинг юзага келгани турли оммавий ахборот воситаларида бир неча бор таъкидланди. Қатор хорижий давлатлар раҳбарлари ва йирик сиёсатшунослар ўз чиқишларида исломнинг терроризм билан алоқаси йўқлиги, ислом ниқоби остида террористик фаолият билан шуғулланаётганлар эса **"онгсиз мутассиб"**лардан бошқа ҳеч ким эмаслигини қайд этишганди.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 5-6 июнь кунлари Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасида ўтказилган «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман иштирокчиларига йўлланган табригида, жумладан, шундай дейилган: «Муқаддас ислом динини ғаразли мақсадларда сиёсийлаштириб, ундан ҳокимият учун кураш, мафкуравий қурол сифатида фойдаланиш сингари салбий ҳолатларнинг кучайиб бораётгани бугун замон олдимизга қўяётган бундай оғир ва таҳликали муаммоларнинг ечимини топиш ҳаётий заруратга айланаётганидан далолат беради».

Афғонистондаги толибон тузуми ва «ал-Қоида» ташкилотига қарши уруш эълон қилган Америка Қўшма Штатлари **"Биз исломга эмас, террорчиликка қарши курашамиз"** деб, бу икки тушунчанинг алоҳида ишлатилиши зарурлиги ва уларни бирга қўллаш хато эканини қайд этган эди. Мудҳиш сентябрь воқеаларидан сўнг Саудия Арабистонидаги "Ислом фиқҳ кенгаши" 2002 йил 5 январь куни ўзининг 16-конференциясида **"Террорчилик, бу — бутун инсониятга қарши ҳурматсизлик белгиси. Террорчилик хатти-ҳаракатлари ислом дини ақидаларига мос тушмайди ва исломнинг асл мақсадларидан бири — дунёда тинчлик ўрнатиш тушунчасига тамоман зидлиги билан ажралиб туради"**, — деб таъкидлаганди.

"Террор" сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратилса, у лотин тилидаги "terrere" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "қўрқитиш" деган маънони англатади. "Террорчи" эса "қўрқитувчи", замонавий тил билан айтганда, "террорчилик хатти-ҳаракатида иштирок этувчи шахс" тушунчасини билдиради.

